

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019.ТІВ.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**МОМИНОВ АЗИЗ АЛИШЕРОВИЧ**

**СПОРТНИНГ ЦИКЛИК ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ  
СПОРТЧИЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-МЕТАБОЛИК ҲОЛАТИНИ  
БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ИШ ҚОБИЛЯТИНИ  
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.38 –Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Моминов Азиз Алишерович**

Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг функционал-метаболик ҳолатини баҳолаш ва уларнинг жисмоний иш қобилиятини ошириш йўллари..... 3

**Моминов Азиз Алишерович**

Оценка функционально-метаболического состояния спортсменов циклических видов спорта и пути повышения их физической работоспособности..... 21

**Mominov Aziz Alisherovich**

Assessment of the functional and metabolic state of athletes in cyclic sports and ways to increase their physical performance ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works  
..... 42

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019.ТІВ.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**МОМИНОВ АЗИЗ АЛИШЕРОВИЧ**

**СПОРТНИНГ ЦИКЛИК ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒИЛЛАНУВЧИ  
СПОРТЧИЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-МЕТАБОЛИК ҲОЛАТИНИ  
БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ИШ ҚОБИЛЯТИНИ  
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги олий аттестация комиссиясида PhD.10/30.12.2019.ТЎВ.69.01 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме), илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.medsport.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Садиков Абдушукур Абдужамилевич  
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оponentлар:

Нурилласва Наргиза Мухтархановна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Сағатова Холида Махмудовна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузурдаги PhD.10/30.12.2019 Тиб.69.01 рақами Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» ноябрь куни соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рўйхат билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25), e-mail: tta2005@mail.ru

Диссертация автореферати 2020 йил «21» октябрь кунни тарқатилди.  
(2020 йил «21» октябрь даги 2 рақами реестр баённомаси).



Т.А.Абдуллаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

Н.С. Ибрагимова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.А.Хаджиметов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
биология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда замонавий спорт тиббиётини, айниқса унинг фаолиятида юқори малакали спортчилар танасининг функционал ҳолатини баҳолаш учун энг янги усулларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозирги кунда дунёда спорт илғор технологиялар ва инновацион ёндашувлар асосида илмий ва амалий соҳага ўтмоқда. Кўплаб тадқиқотларга қарамай, бугунги кунга қадар биоимпедансометрик, кардиореспиратор, вестибулометрик ва “тезкорлик-кучлилик” текшириш усулларининг кўплаб кўрсаткичларини комплекс алоқаси тўлиқ ўрганилмаган. Кўпгина муаллифларнинг таъкидлашича «...биоимпедансометрия усули тана таркибий қисмлари, жисмоний фаоллик даражаси, ёғ массаси, скелет мушакларининг массаси, тана массаси индекси кўрсаткичларининг ҳолати спортчининг жисмоний иш қобилияти билан пропорционал боғлиқдир»<sup>1</sup>. Юқоридаги тадқиқот усуллари билан олинган натижалардан самарали фойдаланишнинг муҳим шартини уларни тўғри талқин қилишдир. Бунинг учун кўрсаткичлар орасидаги юқори аниқликдаги муносабатларни аниқлаш билан биргаликда замонавий ёндашувлар ва математик таҳлил усулларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда организмнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳияти спортчиларнинг глобал миқёсда эришган натижалари ва ютуқлари билан белгиланади. Спорт оламидаги муҳим илмий муаммо бу юқори юклама ва экстремал шароитларнинг жисмоний имкониятлар даражасига, тананинг соғлиғига боғлиқлигини ва таъсир қилиш ҳажмини аниқлашдир. Бу борада биоимпедансометрик, кардиореспиратор, тезкорлик-кучлилик ва статик тадқиқотлар, жисмоний чидамлилиكنи ошириш усулларини қўллаш, спортчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш, самарали тиббий тиклаш, ҳамда профессионал спортчиларда жисмоний имкониятларини яхшилаш, юқори юкламали шароитларга мослашувини тезлаштириш ва спорт натижаларини янги поғоналарга кўтаришни таъминлашга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда спортчиларнинг юқори натижаларга эришиши, улар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бундан келиб

<sup>1</sup> Леявина, Т.А. Новый подход к выделению физиологических этапов механизма энергообеспечения во время возрастающей физической нагрузки у здоровых лиц и спортсменов / Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта, № 4 (86) – 2012. С.77-85

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

чиққан ҳолда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали спортчилар саломатлигини мустаҳкамлаш ва самарали тиббий тиклашни такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 9 мартдаги ПҚ–2821-сон «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тана массаси таркибий қисмлари кўплаб олимлар томонидан ўрганилган (Ackland T.R. ва бошқ., 2012; Silva A.M. ва бошқ., 2010). Тана таркибий қисмлари жисмоний фаоллик даражаси билан бевосита боғлиқлиги исботланган (Andreoli A. ва бошқ., 2012). Интенсив жисмоний фаоллик ёғ таркибий қисмининг камайишига ва мушак массасининг кўпайишига олиб келади (Hartgens F. ва бошқ., 2004). Ҳафтасига тўққиз ёки ундан кўпроқ соат машғулотлар билан шуғилланганда мушаклар массасининг сезиларли даражада кўпайиши аниқланган (Quiterio A.L. ва бошқ., 2009). Шунингдек, мушак массасининг ривожланиши билан мушак фаолиятининг энергия таъминоти тизимларининг қувват даражаси аэроб ёки анаэроб ишлаши билан боғлиқлиги исботланган (Potteiger J.A. ва бошқ., 2010). Тана вазнининг таркибий қисмлари қийматларининг ўзига хослигини спортчиларнинг спорт турлари ва малакаси белгилайди. Юқори тоифадаги спортчиларда кам малакага эга бўлганларга нисбатан мушаклар массаси кўп ва тана ёғ миқдори кам бўлади (Giampietro M. ва бошқ., 2003).

Д.С. Мартиканова ва ҳаммуаллифлари томонидан спортчиларнинг аэробик ишчанлиги килограммдаги мушак вазнига, тананинг ёғсиз массасига, суяк массасига, оқсилларга ва асосий модда алмашинувига боғлиқ эканлиги аниқланди. Максимал кислород истеъмол қилишнинг килограммдаги ёғ массасининг ва ёғ массаси фоизи қийматига манфий боғлиқлиги аниқланди (Мартиканова Д.С. ва бошқ., 2012).

Маълумки, кўп йиллик аэробик машғулотлар ишлаётган мушакга кислород етказиб беришнинг сезиларли даражада ошишига ва қондан

кислороднинг истеъмол қилиниш фоизининг кўпайишига олиб келади (Попов Д.В.,2013). Д.В. Поповнинг (2013) тадқиқотларида шу нарса аниқландики, кислороднинг максимал истеъмол даражаси (КМИ) АТФ ресинтези аэроб йўлининг максимал қуввати сифатида тавсифлайди: КМИ қиймати қанчалик юқори бўлса, тўқималар нафас олиш тезлигининг максимал қиймати шунчалик юқори бўлади. Бунинг сабаби, организмга кирадиган деярли барча кислород ушбу жараёнда ишлатилиши билан боғлиқ. Муаллифнинг таъкидлашича, КМИ - бу асосан кислород ташиш тизимининг максимал маҳсулдорлиги билан боғлиқ бўлган ажралмас кўрсаткич ва у кўпгина омилларга боғлиқ: кардиореспиратор тизимнинг функционал ҳолатига, қондаги гемоглобин, мушакларда эса – миоглобин миқдорига, митохондрияларнинг сони ва ўлчамларига.

О.В. Лихачев (2007) ва В. Селуянов (2015) томонидан юрак қисқаришлари сони (ЮҚС) 1 дақиқада 90 - дан – 180 - гача оралиқда бўлганда юрак қисқаришлари сонининг кўпайиши ва қондаги сут кислотасининг тўпланиши ўртасида бевосита боғлиқлик борлиги аниқланди. Ушбу қонуниятни ҳисобга олган ҳолда, анаэроб модда алмашинувининг бўсағасини (АМАБ) "юклама – ЮҚС" боғлиқлик эгри чизиғини экстраполяция қилиш орқали ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун, ЮҚС 1 дақиқада 90 мартадан ортишига олиб келадиган, дозаланган юкламани бажариш кифоя қилади. Ушбу натижалар, анаэроб бўсаға тезлиги юрак қисқаришларининг максимал тезлигининг 85-92% да эришилади деб таъкидлаган П.Фитзингернинг (2007) изланишлари билан тасдиқланади.

Шу билан бирга, баъзи муаллифлар (Brooks G.A., 1985). анаэроб бўсаға қийматини аниқлашда, қондаги лактат ва газ алмашинуви кўрсаткичлари концентрациясини ўлчашга асосланган ноинвазив усулларнинг ноаниқлиги сабабли, ушбу концепциядан воз кечишни таклиф қилмоқдалар. Анаэроб бўсаға гипотезасини қўллаб-қувватлайдиган асосий натижа шундан иборатки, жисмоний фаолликнинг кучайиб бориши билан, шундай пайт келадики, ундан сўнг қондаги лактат концентрацияси кескин ошиб боради (Geir S. ва бошқ., 2005; Wasserman K.Y., 1964).

Кўплаб илмий-услубий адабиётлар ва спорт амалиётлари шуни кўрсатадики, “тезкорлик-кучлилиқ” қобилиятларининг ривожланиши, тез югуриш, сакраш ва улоқтириш, спортнинг ҳаракатчан ўйинларининг ва якка курашларнинг турли фазаларида зўриқишларнинг юқори даражадаги концентрациясини шакллантиришга таъсир қилади. Қатор муаллифлар якка курашларда спортчиларнинг тезкорлик-кучлилиқ фазилатларининг муҳим ўрни борлигини очиб бердилар. (Рябинин С.П. ва бошқ., 2007; Федеров В.И. ва бошқ. 2005).

Шундай қилиб, илмий базанинг ҳозирги ҳолати ва энг муҳим ишланмалар ҳанузгача ҳам чуқур, кенг қамровли илмий таҳлил қилинмаган. Айтиш мумкинки, шу пайтгача ўтказилган биоимпедансометрик, кардиореспиратор, тезкорлик-кучлилиқ ва статик тадқиқотлар, жисмоний чидамлилиқни ошириш

учун тезкорлик-кучлилиқ тайёргарликнинг самарали қўллаш усуллари ҳақида етарлича маълумот бермайди. Шуларнинг натижасида юқори спорт маҳорати босқичида спорт кўрсаткичларини яхшилаш учун санаб ўтилган усуллар бўйича олинган барча параметрларни ҳар томонлама ўрганиш керак ва уларни математик корреляцион таҳлил орқали баҳолаш лозим.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Россия Федерацияси Олимпия қўмитаси қошидаги Инновация маркази мутахассислари иштирокида Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида спортчиларнинг функционал ҳолатини аниқлаш» Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси президенти томонидан тасдиқланган спорт федерациялари спортчиларининг тақвими доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчилар функционал-метаболик ҳолатини баҳолаш ва уларнинг жисмоний иш қобилиятини ошириш йўллари аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

циклик ва ациклик спорт турлари билан шуғулланадиган спортчиларнинг биоимпедансометрик хусусиятларини аниқлаш;

аэроб ишчанлик ва кислородни максимал истеъмолини билиш учун юрак-қон томир ва нафас олиш тизимининг қиёсий кўрсаткичларини аниқлаш;

спортчиларнинг ишчанлигига таъсир кўрсатувчи биоимпедансометрик ва функционал кўрсаткичларини аниқлаш;

спортчилар жисмоний ишчанлигини ошириш учун тезкорлик-кучлилиқ ва координацион кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

спортчилар функционал ҳолатни кучайтириш учун функционал-метаболик кўрсаткичларининг ўзаро корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

спортчилар жисмоний ишчанлигини тезкор башоратлашнинг математик моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-2020 йилларда спортнинг циклик турлари билан шуғулланган 66 нафар ва спортнинг ациклик турлари билан шуғулланган 78 нафар Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси аъзолари бўлган спортчилар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида спортчиларнинг турли антропометрик тана кўрсаткичлари, юкламали газ тахлили натижалари, координацион ва тезкорлик-кучлилиқ кўрсаткичлари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда биоимпедансометрик, кардиореспиратор, стабиллометр, тезкорлик-кучлилиқ ва координацион усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор циклик турдаги спортчиларда скелет мушакларининг массаси (%) ациклик гуруҳлар спортчиларига қараганда ишонарли юқорилиги ва ёғ



массаси (%) эса ациклик турдаги спортчиларда устунлиги исботланган;

циклик ва ациклик спорт турлари бўйича спортчиларда зинасимон ортиб борадиган юкламалар бажаришида кислород истеъмолига боғлиқ равишда газ алмашинуви ва гемодинамик кўрсаткичларнинг номуносив ўзгариши аниқланган;

циклик ва ациклик гуруҳ спортчиларида “портлаш кучи” параметрлари билан координацион кўрсаткичларнинг чизиқли корреляцион алоқаси борлиги исботланди;

илк бор биоимпедансометрик кўрсаткичлар билан спортчилар ёши, бўйи, вазни кўрсаткичлари ва бошланғич юрак қисқаришлар сони аэроб модда алмашинуви ўзгариши ва ишчанлигига узвий боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотнинг биоимпедансометрик ўлчовлари асосида спортчининг аэроб ишчанлигини тезкор баҳолашга имкон берадиган математик модел ишлаб чиқилган;

циклик ва ациклик гуруҳ спортчиларида биоимпидансометрик кўрсаткичларнинг кардиореспиратор кўрсаткичлари билан юқори корреляцион алоқаси аниқланган;

циклик ва ациклик спорт турлари спортчиларида биоимпедансометрик (ёғ массаси (%), скелет мушакларининг массаси (%), тана массаси индекси) кўрсаткичларининг ўзаро ишонарли фарқланиши аниқланган;

ациклик гуруҳ спортчилари юрак қисқаришлари сонига юкламанинг зинасимон кўпайиши циклик гуруҳдагиларга нисбатан кўпроқ тасир кўрсатиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, спортчилар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчилар функционал-метаболик ҳолатини баҳолаш ва уларнинг жисмоний иш қобилиятини ошириш йўллари аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган, циклик ва ациклик спорт турлари бўйича спортчиларда биоимпедансометрик, кардиореспиратор, стабилметрик, тезкорлик-кучлилилик параметрларини ҳар томонлама қиёсий баҳолаш, юкламалар бажаришида кислород истеъмолига боғлиқ равишда газ алмашинуви ва гемодинамик кўрсаткичларнинг номуносив ўзгариши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу спортчилар функционал-метаболик ҳолатларининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти спортчининг аэроб ишчанлигини тезкор баҳолашга имкон берадиган математик модел ишлаб чиқилганлиги, биоимпидансометрик кўрсаткичларнинг кардиореспиратор параметрлари билан юқори корреляцион алоқаси аниқланганлиги, циклик ва ациклик спорт турлари спортчиларида ёғ массаси (%), скелет мушакларининг массаси (%), тана массаси индекси кўрсаткичлари, юрак қисқаришлар сони аэроб модда алмашинуви ўзгариши ва ишчанлигига таъсир қилиш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчилар функционал-метаболик ҳолатини баҳолаш ва уларнинг жисмоний иш қобилиятини ошириш йўллари аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Циклик ва ациклик спорт турлари спортчиларининг функционал ҳолатини аниқлашда биоимпедансометрик кўрсаткичларининг роли» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 14 июлдаги 02-07-08-2000-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома спортчиларининг функционал ҳолатини аниқлашда биоимпедансометрик кўрсаткичлари ўзгаришларини эрта аниқлашга, уларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида анаэроб модда алмашинувини башорат қилиш ва ўз вақтида спортчиларнинг жисмоний иш қобилиятини оширишга хизмат қилган;

спортчилар функционал-метаболик ҳолатини баҳолаш ва уларнинг жисмоний иш қобилиятини ошириш йўллари аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар жисмоний тарбия ва спорт тизимига, жумладан, Ўзбекистон енгил атлетика ва сузиш федерацияси спорт шифокорлари ва мураббийлари амалиётига жорий этилган (Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 14 июлдаги 02-07-08-2000-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар спортчилар жисмоний юкламаларини тўғри танлаш, функционал-метаболик ҳолатини баҳолаш ва уларнинг жисмоний иш қобилиятини ошириш ҳамда уларга юқори спорт кўрсаткичларига эришишига имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Циклик ва ациклик спорт турлари спортчиларидаги функционал-метаболик жараёнларнинг қонуниятлари тўғрисида замонавий ғоялар**» деб номланган биринчи бобида спортнинг циклик ва ациклик турлари спортчиларини танлашда ва ихтисослаштиришда уларнинг функционал ҳолатини, жисмоний юкламаларга мослашув индикатори сифатида, биоимпедансометрик, кардиореспиратор, тезкорлик-кучлилиқ ва координацион характеристикаларини ўрганишга асосланган ва жисмоний ишчанлик, чидамлилигини аниқлаш масалаларига бағишланган маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг таҳлили ўтказилган.

Диссертациянинг «**Спортчиларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**», деб номланган иккинчи бобида объектлар, тадқиқот ҳажми ва усуллари тавсифи берилган. Тадқиқотлар Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган. 2018-2020 йилларда, 18 ёшдан 32 ёшгача бўлган 144 нафар спортчи кўриқдан ўтказилган. Циклик спорт турлари билан шуғулланувчиларнинг 66 нафари асосий гуруҳни ва 78 та ациклик спорт турлари билан шуғулланувчилар назорат гуруҳини ташкил этди. Циклик спорт турлари билан шуғулланадиган спортчиларнинг ўртача ёши  $21,2 \pm 0,5$ , ва ациклик гуруҳ спортчиларининг ёши  $20,1 \pm 0,2$  ташкил этди. Текширувдан ўтган спортчиларнинг 49 нафари аёллар, 95 нафари эркеклар эди.

Тана тузилишини таҳлил қилиш учун биоимпедансометрия текшириш усули қўлланилган. Ушбу текширувнинг вазифаси спортчининг асосий антропометрик хусусиятларини, шу жумладан турли хил тана кўрсаткичларини (таркибий қисмлари- мушаклар, ёғлар, суюқликлар ва тана қисмлари - қўллар, оёқлар) ва бир қатор ҳосилавий коэффициентларни (семизлик даражасини баҳолаш - тана массаси индекси ва организм тўқималарида модда алмашинув жараёнини – асосий модда алмашинуви интенсивлиги, тананинг хужайра массаси) аниқлаш киради. Турли таркибий қисмларни ўлчаш тана тўқималарининг реактив қаршилиги усулига асосланган (биоимпедансометрия). Юқоридаги тадқиқотлар “Танита 780” тана анализатори ёрдамида амалга оширилди.

Аэроб ишчанлик даражаси, хусусан, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг функционал имкониятлари билан белгиланади. Ушбу

имкониятларнинг миқдорий тавсифига кислороднинг бир дақиқадаги истеъмоли ( $V'O_2$ ), карбонат ангидрид миқдори ( $V'CO_2$ ), юрак қисқаришлар сони (ЮҚС) киради. Узоқ вақт давомида кўпайиб борувчи юкламали циклик фаолиятда (масалан, велоэргометр қувватини аста-секинлик билан ошириб боришда) ушбу хусусиятлар ўзгаради – организмнинг модда алмашинувида “бурилиш нуқталари”, шунингдек унинг имконияти чегаралари ҳақида гувоҳлик берувчи бўсаға реакциялари юзага келади. Ушбу синов "бурилиш нуқталари" нинг энг муҳими бўлган, анаэроб модда алмашинув бўсағасини (АМАБ) ва максимал кислород истеъмолини (МКИ), улар асосида асосий машғулот чегараларини (юрак қисқариш сонига қараб) кўриш ва машқларнинг энергия (углеводлар / ёғлар) таъминоти табиати ўзгаришини аниқлаш мақсадида ўтказилади).

Ускуналар ва материаллар

- Югуриш йўлакчаси “h/p/cosmospulsar/Saturn”
- Газ анализатори “CORTEX Meta Lyzer 3BR2”
- Юрак ритмини кузатувчи “Polar” ускунаси

Оёқ мушаклари нерв-мушак хусусиятларини баҳолаш учун (қувватлантирувчи машқлар билан яхшиланувчи), сакраш тестларидан фойдаланиш қабул қилинган. Уларнинг энг кенг тарқалгани - бу юқорига максимал сакраш, ярим ўтирган ҳолатда сакраш ва ўтирган ҳолатда сакраш. Қувватлантирувчи машғулотлар натижасида мушакларнинг координацион қобилиятлари, уларнинг ишларидамувофиқлашиш (уйғунлиги) ва ихтиёрий куч яхшиланади. Оёқ мушакларининг мушак толалари ишидаги мувофиқлашиш кўрсаткичининг катталиги ва ихтиёрий кучи, ҳаракатлантирувчи бирликни камроқ ишга солишга ва шу орқали, ҳар бир сакрашга камроқ энергия сарфлаш имконини беради.

Тезкорлик-кучлилиқ кўрсаткичларини баҳолаш учун “Microgate Opto Gaitsistem” оптик сенсор тизимидан фойдаланилган.

Спортчининг вертикал барқарорлиги "Статик стабилметрия" СтабМед 2.0 дастурий таъминоти ёрдамида "Стабилан 01-2" (ОКБ "РИТМ") аппаратида стабилметрия усули билан баҳоланди.

"Рухсат назорати" синовини ўтказиш пайтида анализатор ёрдамида стабиллографик кўрсаткичлар учта намунада қайд этилди:

- очик кўзлар (ОК);
- ёпик кўзлар (ЁК);
- "Нишон" (Н) қайта боғланиш синови.

Олинган маълумотларга статистик қайта ишлаш учун компьютерда вариацион статистиканинг Microsoft Excel дастури ёрдамида статистик ишлов берилди, бунда ўртача арифметик катталиқни (М), ўртача арифметик катталиқ хатоси ( $\pm m$ ), нисбий катталиқлар (частота%) ҳисобланди. Олинган ўзгаришлар статистик аҳамияти ўртача катталиқларни таққослашда Стъюдент мезони (t) бўйича хатолик эҳтимоллигини ҳисоблаб аниқланди. Квадрат силжиш ( $\sigma$ ), стандарт хатоликлари (m), ҳисобланди. Статистик белгилар ўзгариши учун

ишончилилик даражаси далилларга асосланган тиббиёт тамойилларини эътиборга олиб,  $P < 0,05$  қабул қилинди (Пономарева Л.А., Маматкулов Б.М., 2004). Корреляцион боғлар корреляция коэффиценти ( $r$ ) бўйича баҳоланди. Агар  $r < 0,3$  бўлса, корреляция кичик (кучсиз),  $r 0,3$  дан  $0,7$  гача бўлганда – ўртача (мўътадил),  $r \geq 0,7$  – юқори (кучли) деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «Спортчиларнинг функционал ва метаболик ҳолатини ўрганишга комплекс ёндашув ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари», номли учинчи бобида циклик ва ациклик спорт турлари бўйича спортчиларда биоимпеданс ўлчовларининг қиёсий тавсифи берилган.

### 1-жадвал.

#### Спортнинг тури ва спортчиларнинг жинси бўйича асосий биоимпедансометрик қиёсий кўрсаткичлар

Кўрсаткич	Спортнинг циклик тури n= 66		Спортнинг ациклик тури n= 78		Жами
	Эркак n=41	Аёл n=25	Эркак n=54	Аёл n=24	
Ёши	21,6±0,4**	20,4±0,9	20,4±0,3**	19,3±0,4	20,6±0,3
Бўйи (см.)	181±1,3**	170±1,3*	177±1,3**	164±1,7*	175±0,9
Вазни (кг.)	73,3±1,8	62,0±1,4	74,0±2,1	61,4±1,5	69,5±1,1
ТВИ (кг/м²)	22,1±0,3**	21,8±0,6	23,6±0,5**	22,8±0,6	22,7±0,3
Ёғ массаси (кг.)	9,6±0,5	13,6±0,7	11,4±0,9	12,1±0,8	11,4±0,4
Ёғ массаси (%)	12,8±0,5**	21,8±0,9*	14,7±0,6**	18,6±0,9*	16,0±0,4
Скелет мушаклари массаси (кг.)	60,6±1,4	46,0±0,9	59,4±1,2	46,8±0,9	55,2±0,8
Скелет мушаклари массаси (%)	82,8±0,5**	71,4±0,9	81,0±0,6**	75,3±1,6	79,3±0,5
Тана мушаклари массаси(кг.)	32,6±0,6	27,3±0,6	32,0±0,5	27,7±0,6	30,6±0,3
Сув миқдори(кг.)	43,3±0,8	32,0±0,6	44,0±0,7	31,2±0,6	39,5±0,6
Асосий модда алмашинуви(кка л.)	1899±43,2	1510±23,5	1882±40,9	1522±27,5	1762±25,2

Изоҳ: \* - циклик ва ациклик гуруҳ аёллари ўртасидаги t-критериянинг (Стьюдент критерияси)  $P < 0.05$  даражасида сезиларли фарқ. \*\* - циклик ва ациклик гуруҳ эркакларининг ўртасидаги t-критериянинг (Стьюдент критерияси)  $P < 0.05$  даражасида сезиларли фарқ.

Иккала гуруҳ спортчилари вазни ўртасида ишонарли даражадаги фарқ йўқлигига қарамай, кўрсаткичларни таққослаш ёғ массасининг (%) аёлларда ҳам, эркакларда ҳам ишонарли фарқи борлигини аниқлади ( $P < 0,05$ ). Скелет мушаклари массасининг (%) параметри томонидан фарқ фақат эркаклар орасида аниқланди ( $P < 0,05$ ).

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, ҳар иккала гуруҳ спортчиларининг вазни бир хил бўлгани ҳолда, ёғ массаси (%) ва скелет мушакларининг массаси (%) каби муҳим параметрларда фарқлар мавжуд. Юқоридагиларни умумлаштириб,

шуни айтиш мумкинки, спортчилар танаси тўқима таркибий қисмларининг мувозанати турли хил жисмоний фазилатларнинг намоён бўлиши ва организмнинг функционал тизимларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса атлетларнинг самарадорлигидаўз аксини топади. Шу сабабли, спортчиларнинг машғулот режимини ташкил қилишда уларнинг тана тўқималари таркибини ўрганишга биринчи даражали эътибор бериш лозим.

Циклик ва ациклик спортчиларнинг аэроб ишчанлигини ва газанализли функционал текширувларнингқиёсий характеристикаси юкломани тугатиш вақтидаги параметрлар бўйича энг информатив ўзгаришларни аниқлади. Иккала гуруҳнинг эркаларида ва циклик гуруҳдаги аёлларда юрак қисқаришлар сони бошланғичдан 122% га, циклик гуруҳ аёлларида эса 112% га кўпайиши кузатилди. Юрак уриш тезлигининг бир хил ўсишига қарамай, циклик гуруҳдаги эркаларда кислород истеъмоли ациклик гуруҳдаги эркаларга нисбатан юқори эди. Циклик гуруҳдаги аёлларда юрак уриши 122% га ошиши билан истеъмол қилинган кислород миқдори 667% га ошди. Ациклик гуруҳ спортчи аёлларида юрак уриш тезлигиозроқ (112%) ўсишига қарамай, истеъмол қилинган кислород миқдорининг ўсиши 820% га етди (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Циклик ва ациклик спорт турлари бўйича спортчиларда юрак уришига қараб кислород истеъмоли**

Вақт мин.	Циклик				Ациклик			
	ЮҚС (мин.)		Кислород истеъмоли (V'O <sub>2</sub> мл/мин/кг)		ЮҚС (мин.)		Кислород истеъмоли (V'O <sub>2</sub> мл/мин/кг)	
	Эркак n=39	Аёл n= 24	Эркак n=39	Аёл n=24	Эркак n= 45	Аёл n= 23	Эркак n=45	Аёл n=23
0 (бошланғич)	85±2,3	87±1,6	7,0±0,5	6,0±0,8	85±1,6	90±2,1	6,0±0,4	5,0±0,7
4 мин.	125±4,3 **	157±2,6	31±1,7 **	33±0,8	142±1,9 **	152±2,7	35±1,1 **	31±0,8
6 мин.	146±3,1	167±2,6	44±0,9 **	36±1,0	152±1,9	162±4,0	40±0,8 **	35±0,6
8 мин.	147±3,8 **	175±2,3	41±1,5	39±0,8	161±1,6 **	172±2,2	42±0,8	37±0,7
10 мин.	164±2,5 **	182±2,1	50±0,8 **	41±0,8	170±1,6 **	180±2,0	46±0,8 **	41±0,8
12 мин.	165±4,9 **	188±9,2	52±1,2 **	43±0,8	176±1,4 **	186±1,8	49±0,8 **	44±0,8
Финиш	189±1,6	193±1,5	57±1,6	46±1,3	189±1,4	191±1,5	55±0,8	46±1,1


Изоҳ: \* - циклик ва ациклик гуруҳ аёллари ўртасидаги t-критериянинг (Стьюдент критерияси) P<0.05 даражасида сезиларли фарк. \*\* - циклик ва ациклик гуруҳ эркалари ўртасидаги t-критериянинг (Стьюдент критерияси) P<0.05 даражасида сезиларли фарк.

Шундай қилиб, циклик спорт вакилларида, ациклик спорт турлари вакиллари билан солиштирганда, кислород истеъмолининг кўпайиши, у билан бир вақтда ЮҚС нинг ошиши билан содир бўлади ва бу аэроб

имкониятларнинг юқори даражасини таъминловчи кислород транспорти тизимининг яхшироқ фаолиятдан дарак беради.

Диссертациянинг «Циклик ва ациклик спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларда функционал-метаболик параметрларнинг корреляцион ўзаро боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобида спортчиларнинг турли хил биоимпедансометрик, кардиореспиратор, тезкорлик-кучлилилик ва координацион параметрларининг ўзаро боғлиқлиги кўриб чиқилади. Иккала гуруҳ спортчиларининг турли хил параметрларини ўрганишва таққослаш тадқиқот қилинаётган кўрсаткичлар ўртасидаги жуда кўп ўзаро боғлиқликларни аниқлади. Олинган натижаларсонининг кўплиги, кўп қирралилиги ва хажми катталиги уларни талқин қилишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам турли хил параметрлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш учун математик моделдан, яъни корреляцион таҳлилдан фойдаланишга қарор қилинди ( $r$  - жуфт корреляциялар коэффиценти). Математик моделнинг яратилиши энг кам квадратлар усулининг регрессион таҳлили ёрдамида амалга оширилди. Шу сабабли корреляцион ўзаро боғлиқликлар қатъий равишда ҳар бир гуруҳ ичида, эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида аниқланди. Мухимликни баҳолаш нисбий имкониятни ва 95% ишонч оралиғини ҳисоблаш асосида амалга оширилди. Мезонларнинг аҳамияти  $P < 0.05$  даражасида баҳоланди.

Юзаки таққослаганда бир-бирига таъсири йўқдек кўринган кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқликни ўрганиш, улар ўртасида кутилмаган боғлиқликлар борлигини кўрсатди (1-расм).




1-расм. “Портлаш кучи” кўрсаткичининг корреляцион боғлиқликлари (аёллар, спортнинг циклик турлари)

Циклик спорт турлари билан шуғулланаётган аёллар гуруҳида ёш кўрсаткичи “портлаш кучи” параметрига ижобий таъсир кўрсатади. Буни ёши катта аёллар ушбу спорт билан узоқ вақт шуғулланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Математик таҳлил “портловчи куч” кўрсаткичи ёғ массасининг (кг) ( $r = -0.56$ ), ёғ массаси (%) ( $r = -0.61$ ) параметрлари билан тескари пропорционал боғлиқлигини аниқлади. Шу билан бирга, скелет мушаклари массаси (%) ( $r = 0.60$ ), “нишон” тести ( $r = 0.49$ ), бўйи узунлиги ( $r = 0.59$ ) “портловчи куч” билан чизикли корреляцияга эга. (1-расм)


Циклик спорт турлари билан шуғулланувчи эркекларда “портловчи куч” кўрсаткичининг чизикли корреляцион алоқалари бошланғич юрак қисқаришлари сони ( $r = 0.43$ ) ва вертикал барқарорлик синамасининг "очик кўзлар", "ёпиқ кўзлар" ( $r = 0.39$ ) тестлари билан мавжудлиги аниқланди. "Максимал кислород истеъмоли" ( $r = -0.40$ ) параметрлари билан эса чизикли бўлмаган муносабатлар аниқланди.

"Анаэроб модда алмашинуви бўсағаси" параметрининг аҳамиятини шундан ҳам билиш мумкинки, циклик спорт гуруҳи эркекларида бу кўрсаткич билан кўплаб корреляцион алоқалар мавжудлиги аниқланди. “Бошланғич юрак қисқаришлари сони” нинг АМАБ ( $r = 0.47$ ) ва "портлаш кучи" ( $r = 0.34$ ) билан ўзаро чизикли корреляцион боғлиқлиги аниқланди. АМАБ параметри спортчининг ёши ( $r = -0.34$ ), бўйи ( $r = -0.48$ ), вазни ( $r = -0.47$ ), ёғ массаси (кг) ( $r = -0.38$ ), скелет мушакларининг массаси (кг) ( $r = -0.55$ ), сув миқдори (кг.) ( $r = -0.53$ ), асосий модда алмашинуви (ккал) ( $r = -0.53$ ) каби биоимпеданс метрик кўрсаткичлар билан чизикли бўлмаган корреляцион ўзаро боғлиқликлар мавжуд (2-расм).



**2-расм. Юрак қисқаришларининг маълум сонидagi “анаэроб модда алмашинуви бўсағаси” кўрсаткичининг корреляцион ўзаро боғлиқликлари (эркеклар, спортнинг циклик турлари).**





**3-расм. Юрак қисқаришларининг маълум сонидаги “анаэроб модда алмашинуви бўсағаси” кўрсаткичининг корреляцион ўзаро боғлиқликлари (аёллар, спортнинг циклик турлари).**

Цикли спорт турлари билан шуғилланувчи спортчи аёллар гуруҳида юрак қисқаришлари маълум сонидаги анаэроб модда алмашинуви бўсағаси тана вазни ( $r = -0.47$ ), бўйи ( $r = -0.39$ ) ва скелет мушаклари массаси (кг) ( $r = -0.54$ ) кўрсаткичлари билан чизиқли бўлмаган ўзаро боғлиқликка эга. Анаэроб модда алмашинуви бўсағасининг бошланғич юрак қисқаришлари сони билан чизиқли ўзаро корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди ( $r = 0.44$ ) (3-расм).

Олинган натижалар тана таркиби қисмларининг ва модда алмашинувининг (ккал) спортчиларнинг жисмоний ишчанлиги билан бевосита ўзаро боғлиқлигини кўрсатди. Биз учун, аэроб ишчанликка тана таркиби қисимлари ва модда алмашинувидаги ўзгаришларнинг таъсирини аниқлаш муҳим эди. Бунинг учун циклик спорт турлари бўйича эркаларнинг биоимпеданс ўлчовлари ўртачадан катта ва ўртачадан кичик гуруҳларга бўлинди (3-жадвал).

3- жадвалдан кўришиб турибдики, сув миқдори, асосий модда алмашинуви, ёғ массаси (%), скелет мушакларининг массаси (%) каби импедансометрик кўрсаткичларнинг миқдори спортчиларнинг ҳам аэроб, ҳам жисмоний ишчанлигига таъсир қилади. “Портловчи куч” каби муҳим кўрсаткич сув миқдори (кг), модда алмашинуви ва ёғ массаси (%) миқдорларининг камайишига бир хилда, кўпайиш билан жавоб реакциясини беради. Шу каби ҳолат МКИ ва АМАБ кўрсаткичлари билан ҳам кузатилди. Агар “портловчи куч” ва МКИ параметрлари ўртачадан паст ва юқори гуруҳ

кўрсаткичларига реакцияси ишончсиз бўлса ҳам, АМАБ ўзгаришлари бири-биридан ишонарли даражада фарқ қилган. Спортчилар учун муҳим бўлган тана таркиби қисмларидан скелет мушаклари массасини (%) таҳлил қилганда, юқорида айтилганларга нисбатан тескари тенденция мавжудлиги аниқланди. Спортчининг скелет мушаклари массаси (%) қанча кўп бўлса, “портлаш кучи”, МКИ ва АМАБ шунчалик юқори бўлади.

### 3-жадвал

#### Биоимпедансометрик кўрсаткичларнинг циклик гуруҳ спортчиларининг жисмоний кўрсаткичларига таъсири (эркаклар)

Тана таркиби	Кичик гуруҳлар	Кўрсаткичлар	Портлаш кучи	МКИ ( $V'O_2$ мл /мин/кг)	АМАБ (ЮҚС)
Сув миқдори (кг.)	Ўртачадан паст n=20	39±0,58	35±1,9	62±2	183±1,5
	Ўртачадан баланд n=21	47±0,59	32±1,3	59±1,3	172±1,5*
Асосий модда алмашинуви (Ккал)	Ўртачадан паст n=22	1709±22,7	35 ±1,8	61±1,9	180±1,8
	Ўртачадан баландn=19	2119±44,9	32±1,0	59±1,3	172±1,5*
Ёғ массаси (%)	Ўртачадан паст n=18	11±0,33	35±1,8	61±1,3	179±1,9
	Ўртачадан баландn=23	16±0,55	32±1,6	60±1,9	174±1,6*
Скелет мушаклари массаси(%)	Ўртачадан паст n=23	80±0,49	32±1,3	60±1,8	174±1,5
	Ўртачадан баландn=18	85±0,32	35±2,0	62±1,3	180±2,1*

Изоҳ: \* - t-критериянинг (Стьюдент критерияси) солиштирилаётган гуруҳга нисбатан ( $P<0.05$ ) даражасида ишонарли фарқ.

Юқоридагиларни хулоса қилиб айтиш мумкинки, сув миқдорини (кг), ёғ массасини(%) камайтириш ва скелет мушаклари массасини (%) кўпайтириш орқали “портловчи кучни”, МКИ ва энг муҳими АМАБни ошириш мумкин. Юқорида санаб ўтилган параметрларнинг кўпайиши спортчиларнинг аэроб ва жисмоний ишчанлигига бевосита таъсир қилади деб айтиш мумкин.

Шундай қилиб, корреляцион алоқаларни тадқиқот қилиш, координацион тестлардан вертикал барқарорликнинг, тезкорлик-кучлилиқ кўрсаткичларидан хусусан "портловчи куч" параметригатаъсирини аниқлади. Тезкорлик-кучлилиқ кўрсаткичига таъсири йўқдак кўринган, вестибуляр аппаратнинг машқ қилдириш ва организмнинг координацион имкониятларини яхшилаш портлаш кучига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу корреляцион ўзаро боғлиқликлар математик усулда, юқори даражадаги ишончилиқ билан

исботланди. “Портловчи куч”нинг спортчиларнинг вертикал барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиши каби, ўзаро тескари корреляцион боғлиқликлар ҳам кузатилди. Шунингдек, ўзаро боғлиқликларни таҳлил қилишда “портловчи куч” билан скелет мушаклари массаси (%) ўртасидагичизиқли корреляцион боғлиқлик, ёғ массасига (%) эса тескари пропорционал корреляцион боғлиқлик кузатилди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, биз спортчилар ишчанлигини инструментал текширувлар натижасига асосланиб экспресс-баҳолаш интеграл характеристикаларини ишлаб чиқдик.

Шундай қилиб, шакллантирилган маълумотлар тўпламини статистик қайта ишлаш, циклик ва ациклик спорт турларида спортчиларнинг ишчанлигини экспресс-баҳолашда чизиқли интеграл характеристикаларни яратиш учун асос бўлган энг информатив кўрсаткичларни аниқлаш имконини берди.

## ХУЛОСА

1. Циклик ва ациклик спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг ёғ массаси (%), скелет мушакларининг массаси (%), тана вазни индекси каби биоимпедансометрик кўрсаткичлар орасида ишонарли даражада фарқлар аниқланди. Циклик гуруҳ спортчиларининг скелет мушаклари массаси (%) ациклик гуруҳ спортчиларига нисбатан ишонарли даражада катта. Ациклик гуруҳ спортчиларида ёғ массаси (%), циклик гуруҳ спортчиларига нисбатан устунлик қилади.

2. Циклик ва ациклик спортчиларда босқичма-босқич ортиб борадиган юкломани бажаришда кислород истеъмолига қараб, газ алмашинуви ва гемодинамик параметрларнинг тенг бўлмаган табиати аниқланди. Циклик спорт вакилларида кислород истеъмолининг кўпайиши юрак қисқариш сони кўпайиши билан бир вақтнинг ўзида рўй беради, бу эса, ациклик спорт турлари вакилларида нисбатан юқори даражадаги аэроб имкониятларни таъминлайдиган кислород ташиш тизимининг энг мақбул режимидир.

3. Юкломанинг зинасимон ортиши циклик гуруҳга қараганда ациклик гуруҳ спортчиларида юрак уришига кўпроқ таъсир қилади. Ациклик гуруҳ спортчиларида юклама кучи ишонарли даражада кам бўлишига қарамай, юрак қисқаришлари сони синов охирида циклик гуруҳ спортчилари билан бир хил бўлганлиги аниқланди. Бу эса циклик гуруҳ спортчиларида ациклик гуруҳ билан солиштирганда, иш қобилиятининг юқорилигини англатади.

4. Иккала гуруҳ спортчиларида координацион кўрсаткичларнинг тезкорлик-кучлилиқ параметрлари билан чизиқли ўзаро корреляцион боғлиқликлар аниқланди. Координацион параметрларининг яхшиланиши спортчиларнинг тезкорлик-кучлилиқ сифатларига ижобий таъсир кўрсатади.

5. Анаэроб алмашинув бўсағасига биоимпедансометрик параметрлар ва ёш, бўй, вазн, “портловчи куч” ва бошланғич юрак қисқаришлар сони каби

кўрсаткичлар корреляцион таъсир кўрсатади. Ушбу параметрларга таъсир кўрсатиш анаэроб модда алмашинуви бўсағасининг ўзгаришига олиб келади.

6. Сув миқдорининг, ёғмассасининг пасайиши ва скелет мушакларининг кўпайиши, портловчи кучни, максимал кислород истеъмолини, анаэроб модда алмашинуви бўсағасини кўпайиши, спортчиларнинг аэроб ва жисмоний иш қобилиятига бевосита ижобий таъсир қилиши аниқланди.

7. Биоимпедансометрик ва антропометрик параметрлардан фойдаланиб, анаэроб модда алмашинуви бўсағасини аниқлаш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.10/30.12.2019.ТІВ.69.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**  

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЦЕНТР  
СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**МОМИНОВ АЗИЗ АЛИШЕРОВИЧ**

**ОЦЕНКА ФУНКЦИОНАЛЬНО-МЕТАБОЛИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ  
СПОРТСМЕНОВ ЦИКЛИЧЕСКИХ ВИДОВ СПОРТА И ПУТИ  
ПОВЫШЕНИЯ ИХ ФИЗИЧЕСКОЙ РАБОТОСПОСОБНОСТИ**

**14.00.38 – Спортивная медицина**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за PhD.10/30.12.2019.TIV.69.01

Диссертация выполнена в Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.medsport.uz](http://www.medsport.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Садиков Абдушуккур Абдужамилевич  
доктор медицинских наук.

**Официальные оппоненты:** Нуриллаева Наргиза Мухтархановна  
доктор медицинских наук, доцент

Сагатова Холида Махмудовна  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:** Андижанский государственный медицинский институт

Защита состоится « 18 » ноября 2020 г. в 12:00 часов на заседании Научного совета PhD.10/30.12.2019.TIV.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (Адрес: 100027, город Ташкент, Шайхантахурский район, улица Олмазор, дом 6. тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: [medsport@gmail.com](mailto:medsport@gmail.com)).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 2824 (Адрес: 100109, город Ташкент, Олмазарский район, улица Фаробий дом 2, Тел./факс: (+99871)150-78-25); e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 2 от « 27 » октября 2020 года)



*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

**Т.А.Абдуллаев**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**Н.С. Ибрагимова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (Phd) по медицинским наукам

**А.А.Хаджиметов**  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за PhD.10/30.12.2019.TIB.69.01

Диссертация выполнена в Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Современную спортивную медицину, особенно ее высококвалификационную часть, невозможно представить без новейших методов исследования функционального состояния организма спортсмена. В настоящее время спорт во всем мире переходит в научно-практическую сферу, основанную на передовых технологиях и инновационных подходах. Несмотря на многочисленные исследования, до настоящего времени не до конца изучены комплексная взаимосвязь многих параметров биоимпедансометрических, кардиореспираторных, вестибулометрических, скоростно-силовых методов исследования. По утверждению многочисленных авторов «...такие биоимпедансометрические показатели состава тела как, масса жира, масса скелетных мышц и индекс массы тела, степень физической активности прямо пропорциональны физической работоспособности спортсмена»<sup>1</sup>. Важным условием эффективного использования полученных вышеперечисленными методами исследования результатов является их правильная интерпретация. Для этого необходимо углубленное применение методов математического анализа с определением высокоточных взаимосвязей между показателями.

Во всем мире физический и интеллектуальный потенциал спортсменов оценивается глобальными достижениями и наградами. В мире спорта важной научной проблемой является определение воздействия и объема высоких нагрузок, экстремальных условий на степень физических возможностей и на здоровье организма. В этой связи, особое внимание обращается на научно-исследовательские работы, как биоимпедансометрические, кардиореспираторные, скоростно- силовые, статические исследования, направленные на применении методов увеличения физической работоспособности, укреплении здоровья спортсменов, ранней диагностике заболеваний встречающихся среди них, эффективной медицинской реабилитации, а также улучшении физических возможностей у профессиональных спортсменов, ускорении адаптации к условиям высокой нагрузки и достижении новых высот в спортивных результатах.

В нашей стране ведется масштабная работа по достижению высоких спортивных результатов спортсменов, укреплению их здоровья и повышению качества предоставляемых им медицинских услуг. В этой связи определены

---

<sup>1</sup> Леявина Т.А. Новый подход к выделению физиологических этапов механизма энергообеспечения во время возрастающей физической нагрузки у здоровых лиц и спортсменов/ Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта, №4 (86)- 2012. С.77-85

задачи по коренному совершенствованию системы здравоохранения «... по расширению возможностей получения качественных медицинских услуг населением, оказанию им специализированной и основанной на высоких технологиях медицинской помощи»<sup>2</sup>. Исходя из этого, укрепление здоровья спортсменов путем расширенного применения современных технологий и разработка методов эффективной медицинской реабилитации приобретает важное значение.

---

